

**БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ҲУДУД
ВА ТАРМОҚЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ
РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

Мухторов Абдухолик Халимович

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва
тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD), бўлим бошлиғи, проф.,

Яқубова Хуршида Урақовна

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва
тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD), бўлим бошлиғи, i.f.f.d., (Phd)

Аннотация: Мақолада рақамли технологиялар асосида банк хизматларини рақамлаштиришнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти хусусида фикр юритилган. Хорижий давлатларда банк тизимининг рақамли трансформацияси, уларнинг ҳудудларни иқтисодиёт-ижтимоий ривожлантириш, соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш борасидаги тажрибалари таҳлил қилинган. Рақамли банк хизматларини оммалаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича амалий тавсиялари ишлаб чиқилган.

Глобаллашув ва технологиялар асрида иқтисодиётни рақамлаштириш ҳар қандай давлатнинг стратегик устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Рақамлаштириш бошқа соҳа ва тармоқлар каби молиявий секторга ҳам кенг таъсир кўрсатмоқда. Бугунги глобал иқтисодий ривожланиш шароитида рақамли технологиялар иқтисодиётни трансформация қилувчи асосий омиллардан бирига айланиб бўлди.

Молиявий сектор - хусусан, банк тизими рақамлаштириш жараёнининг марказидан жой олган. Банк хизматларини рақамлаштириш нафақат хизматлар сифати ва тезлигини оширади, балки аҳолининг молиявий инклюзиясини кенгайтириш, иқтисодиётда норасмий сектор улушини камайтириш, инвестицион фаолликни рағбатлантириш, аҳолини иш ўрни ва даромад манбаи билан таъминлашда, шунингдек, коррупцион ҳолатларнинг олдини олишда, пировард натижада ҳудуд ва тармоқларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришдаги аҳамияти муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ““Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни

самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сонли Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида банк хизматларини рақамлаштиришни такомиллаштириш асосида ҳудуд ва тармоқларни мажмуали ривожлантириш вазифаси устувор вазифалар сифатида эътироф этилган.

Шу боис республикада охириги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар доирасида банк тизимининг рақамли инфратузилмасини ривожлантириш билан бирга тармоқ ва соҳаларда рақамлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Онлайн тўлов тизим, қоғозсиз ва масофавий банк хизматлари, рақамли идентификация, блокчейн технологияларини жорий этиш орқали молиявий жараёнларнинг шаффофлиги ва самарадорлиги ортмоқда.

“E-IJARA”, “Geoaxborot”, “Agrosubsidiya”, “AGR”, “Cropagro”, “reagro” ва бошқа рақамли платформаларда қишлоқ хўжалиги соҳасида қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий алоқалари, молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда субсидиялар ажратиш борасидаги муносабатлар ўз аксини топган.

Бугунги кунда бу рақамли платформалар банк тизими билан биргаликда ҳудуд ва тармоқларни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги тадбиркорларига фаолятига оид молиявий хизматлар кўрсатишда, аҳолига банк хизматларидан барҳаманд бўлишга хизмат қилмоқда.

Банк сектори иқтисодий фаолликни молиявий қўллаб-қувватловчи муҳим институт сифатида - рақамлаштириш жараёнининг марказида туради. Шу боис, республикада рақамли банк хизматларига ортиб бораётган талабни қондириш мақсадида молия соҳасидаги мавжуд инфратузилма тизимини модернизация қилиш, хизматлар сифати ва хавфсизлигини таъминлашга янада ҳам устуворлик бериш мақсадга мувофиқ.

Бу ўз навбатида иқтисодиётни рақамлаштиришда банк хизматларини такомиллаштириш бўйича йўналишида айрим муаммоларни ҳал этишни заруриятга айлантирмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

**Иқтисодийни рақамлаштиришда банк хизматларини
такомиллаштириш бўйича асосий муаммолар¹**

№	Муаммолар	Муаммо мазмун моҳияти	Муаммони ҳал этиш йўналишлари
1	Технологик инфратузилманинг тўлиқ шаклланмаганлиги	Кўплаб ҳудудларда интернет тармоғи ва IT инфратузилмаси-нинг ривожланмаганлиги	Давлат ва хусусий сектор ўртасида шериклик асосида IT инфратузилмани ривожлантириш, масалан, қишлоқ жойларда оптик толали интернетни жорий этиш.
2	Киберхавфсизлик таҳдидлари	Мижоз маълумотлари ва транзакцияларни ҳимоя қилишдаги заифликлар	Замонавий ахборот хавфсизлиги протоколлари, икки факторли аутентификация, ва фойдаланувчиларнинг хавфсизлик бўйича ўқитилиши.
3	Аҳолининг, айниқса чекка қишлоқ ҳудудлардаги аҳолининг “рақамли саводхонлиги” ва “моли-явий саводхонлиги”нинг нисбатан пастлиги	Янги технологияларни тушунмаслик ва фойдаланишда қийналиш	Аҳолини ўқитиш, оммавий тушунтириш ишларини кучайтириш
4	Анъанавий банк тизимларининг мослашувчан эмаслиги	Банклар ички тизимларининг рақамли технологияларга мос келмаслиги	Банклар IT -инфратузилмасини модернизация қилиш, ходимларни рақамли соҳада қайта тайёрлаш.
5	Рақобатбардош финтех компаниялар билан ҳамкорликнинг суғлиги	Банклар ва финтех компаниялари ўртасида ҳамкорлик етарли эмас	Bank-fintech альянслар, инкубация марказлари ва технологик шериклик стратегияларини ишлаб чиқиш.
6	Мижозларга хизмат кўрсатишнинг рақамли шаклини қабул қилмаслик	Ёши катта ёки рақамли технологиялардан фойдаланишни истамайдиган миждозлар мавжудлиги	Гибрид хизмат кўрсатиш модели, фойдаланувчига қулай интерфейслар яратиш.
7	Меъёрий-ҳуқуқий базанинг етарли даражада бўлмаслиги	Рақамли молиявий хизматлар учун аниқ тартиб ва қонунларнинг йўқлиги	Мослашувчан ва инновацион технологияларга йўналтирилган қонунчиликни ишлаб чиқиш, regtech (regulatory technology) жорий қилиш.
8	Яширин иқтисодийнинг кенг тарқалганлиги	Нақд пулдан фойдаланиш юқорилиги, рақамли тўловлардан четлаб ўтилиши	Рақамли тўловларга солиқ имтиёзлари бериш, нақд пул айланмасини камайитириш стратегияси, тўловларни изчил мониторинг қилиш.

¹ Интернет маълумотлари асосида Х.Якубова ишланмаси

Маълумотларга қараганда жаҳон амалиётида банкларнинг рақамли етуклигининг урта даражаси мавжуд, уларнинг²: “50 фоизи трансформацияни бошламаган; 38 фоизи фаоллик кўрсатмоқда; 12 фоизи, аниқ рақамли (Digital) - фокусга эга, яъни улар буни билади, қила олади ва амалда қўллайди”. Дунё мамлакатлари бўйича рақамли банкинг бўйича етакчи давлатлар Туркия, Испания, Сингапур ва Япония каби давлатлар ҳисобланади³. Республикамизда молиявий хизматларни рақамлаштириш йўлишида “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси белгиланган мақсад ва вазифалар доирасида фаол ишлар олиб борилмоқда. 2024 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистондаги 25 дан ортиқ банклар мобил иловалар ёки интернет-банкнинг орқали онлайн хизматларни таклиф қилмоқда.⁴

Иқтисодий рақамлаштиришда банк хизматларини такомиллаштириш жараёнида юзага келаётган муаммолар тизимли ёндашувни талаб қилмоқда. Тадқиқотлар кўрсатишича, асосий муаммолар технологик, институционал ва инсон ресурслари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири банк тизимининг рақамли трансформациясини секинлаштириш омили бўлиб хизмат қилаётган бўлса, аҳолининг “рақамли саводхонлиги” даражасининг нисбатан пастлиги, интернет инфратузилмасининг етарли даражада шаклланмаганлиги (айниқса қишлоқ ҳудудларида) ва энг муҳими киберхавфсизлик таҳдидларга қарши тизимнинг суст ривожланаётганлиги аҳолининг рақамли банк хизматларига тўлиқ киришига тўсқинлик қилмоқда. Фикримизча, қайд этилганларга йўналтирилган ечим ва чора-тадбирлар банк хизматларини рақамлаштиришнинг ҳудуд ва тармоқларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришдаги аҳамияти оширишга хизмат қилади.

Шу боис, банк хизматларини рақамлаштириш нафақат технологик янгиланиш эмас, балки **комплекс тизимли ислохотлар**ни талаб қилади: инфратузилма, қонунчилик, инсон ресурслари, хавфсизлик ва аҳолини жалб қилиш йўналишларида бир вақтнинг ўзида ишлаши лозим. Муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш орқали иқтисодий-ижтимоий рақамли банк хизматларининг роли сезиларли даражада ортади.

² Урмонов А.А., Акрамов И. Проблемы и перспективы цифровизации банковского сектора экономики Узбекистана "Экономика и социум" №11(90)-2 2021. www.iupr.ru. С.514.

³ Лебедева М.Е., Тростьянский С.С. Цифровая зрелость банковского сектора в различных странах: базовые условия для дальнейшего развития. // Финансовый сектор экономики. М.2021. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-zrelost-bankovskogo-sektora-v-razlichnyh-stranah-bazovye-usloviya-dlya-dalneyshego-razvitiya/viewer>

⁴ <https://infocom.uz/ru/articles/onlayn-bank-xizmatlarining-rivojlanish-darajasining-tahlili>

**Рақамли банк хизматларини такомиллаштиришнинг хорижий
мамлакатлардаги усуллари⁵**

T/P	Мамлакат	Такомиллаштириш усули	Қисқача тавсифи	Афзалликлари
1	Эстония	Рақамли идентификация (e-ID) тизими	Ҳар бир фуқарода ягона рақамли ID мавжуд, банк хизматлари, кредит олиш, тўловлар шу ID орқали тезкор ва хавфсиз амалга оширилади.	Хавфсизлик ва шахсий маълумотларни муҳофазалаш юқори даражада. Вақт тежалди, бюрократия камаяди.
2	Сингапур	Fintech компаниялар билан интеграция	Банклар финтех стартапларга API (Application Programming Interface) очиб бериш орқали хизматларни кенгайтирган, бу эса тезкор инновацияларни яратишга имкон берган.	Янги хизматлар тез жорий этилади. Рақобат ортиб, хизматлар сифатли бўлади.
3	Шветсия	Нақд пулсиз иқтисодиётга ўтиш	Банклар 99% операцияларни рақамли шаклга ўтказган. “Swish” иловаси орқали реал вақт режимида пул ўтказмалари амалга оширилади.	Қарама-қарши пул муомаласи камаяди. Тўлов тизими самарали ва тезкор.
4	Хитой	Супер иловалар (“super apps”) орқали хизматлар	Alipay ва WeChat Pay орқали банк хизматлари, тўловлар, сармоя, кредит, суғурта ва ҳатто давлат хизматлари рақамли платформаларда бирлаштирилган.	Фойдаланувчи учун юқори қулайлик. Тўловлар ва хизматлар бир жойда.
5	Ҳиндистон	Unified Payments Interface (UPI)	UPI орқали ҳар қандай банк ўртасида реал вақт режимида транзакция амалга оширилади. Мамлакатда 300 дан ортиқ банк бир тармоқда уланган.	Real-time операциялар. Ҳамма учун очиқ ва оддий интерфейс.
6	Буюк Британия	Open Banking (очиқ банк тизими)	Рақобатни ошириш ва мижозга кўпроқ танлов бериш учун банклар ўз маълумотларини бошқа хизмат кўрсатувчи компаниялар билан улашади (API орқали).	Янги молиявий хизматлар ривожланади. Мижозларга кўпроқ танлов имкони.
7	АҚШ	Сунъий интеллект асосидаги хизматлар	Chatbotlar, AI-таҳлиллар, автоматлаштирилган молиявий маслаҳатчилар орқали мижозларга шахсийлаштирилган хизматлар кўрсатилади.	Мижоз эҳтиёжларини яхшироқ тушуниш. Хизмат кўрсатишни автоматлаштириш.
8	Жанубий Корея	Мобил иловалар орқали “1	Мобил банкинг иловалари орқали AI-асосида дарҳол кредит бериш тизими жорий	Кичик бизнес ва аҳолига қулай молиялаштириш

⁵ Интернет маълумотлари асосида Х.Якубова ишланмаси

		дақиқалик кредит”	қилинган. Бу микроқарзлар ва кичик бизнеслар учун жуда қулай.	“1 дақиқали кредит” Жадал қарор қабул қилиш.
--	--	----------------------	---	--

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, банк хизматларини рақамлаштириш – иқтисодиётни замонавийлаштириш ва молиявий хизматлар сифатини оширишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Турли давлатларда рақамли идентификация, мобил иловалар, финтех платформалар ва сунъий интеллект технологияларининг жорий қилиниши орқали банк хизматлари тез, қулай, шаффоф ва хавфсиз кўринишга эга бўлмоқда. Жанубий Корея, Хитой ва Эстония каби давлатларнинг рақамли инфратузилма орқали банклар операцион харажатларини камайтириш, аҳолига кенг кўламда онлайн хизматлардан фойдаланиш борасидаги тажрибаси эътиборли ҳисобланади. Ҳиндистонда рақамли технологиялар ёрдамида аҳолининг заиф қатламларини банк тизимига жалб қилиш орқали молиявий инклюзия даражасини ошириш тажрибаси мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилан. АҚШ ва Сингапурда эса рақамли банк хизматлари рақобатни кучайтириб, глобал финтех марказларига айланишга олиб келган.

Республикамизда миллий иқтисодиётини рақамлаштириш борасида олиб борилаётган сиёсатнинг буғим таркибий қисмларидан бири бу қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш сиёсати ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш бўйича хорижий давлатларда бой тажриба орттирилган бўлиб, уларнинг амалиётда ўз самарадорлигини тасдиқлаган жиҳатларидан республикамиз шароитида фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Масалан, АҚШда қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш сиёсати қўйидаги йўналишларда олиб борилмоқда: аниқ қишлоқ хўжалиги, рақамли молиявий хизматлар, бухгалтерия ҳисоби ва маълумотларни бошқариш тизимларини ривожлантириш, ахборот технологияларини қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ва бошқалар. Германияда эса, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш сиёсати соҳада ахборот коммуникацион технологияларни ривожлантиришга қаратилган рақамли технологияларни турли экспериментал-амалий йўллар асосида ривожлантиришга қаратилган. Масалан “рақамли далалар”ни ташкил этиш, рақамли инфратузилма хизматларини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг кенг қамровли интернет тармоқларидан фойдаланишига имкон ва шароит яратиш ва бошқалар. Польша давлатининг қишлоқ

хўжалигини рақамлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг ўзига хос хусусияти бюрократик тартиб-таомилларни соддалаштириш ва рақамли технологияларни қўллаш орқали давлат хизматларини бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган. Мамлакатда фермерлар учун “ягона дарча” тамойили мавжуд бўлиб, у кишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари амалга оширишга хизмат қилади. Бу эса мамлакатнинг “рақамли саводхонлиги”ни оширишга билвосита ҳисса қўшмоқда.

Шу боис, юқорида қайд этилган давлатлар тажрибасидан республикамизда қўлланиши мумкин бўлган жиҳатларига уйидагиларни киритиш мумкин: хавфсизлик ва киберхавфсизликка тизимини кучайтириш; рақамли идентификация тизимларини шакллантириш ва жорий қилиш; мобил тўлов инфратузилмаси соҳа ва кўламини кенгайтириш; фермер, деҳқон ва уй хўжалигини иқтисодий-ижтимоий фаолиятини юритиш ва хизматлардан фойдаланиш ҳамда бюджетини бошқариш; аҳоли барча қатламлари ўртасида, айниқса кишлоқ худудларда аҳолининг “рақамли саводхонлик” даражасини ошириш тизими, йўналишлари, дастак ва механизмлари ва бошқалар.

Фикримизча, бундай ёндашув миллий иқтисодиётимиз банк хизматларини рақамлаштириш асосида такомиллаштириш билан бир қаторда, молиявий хизматлар сифатини оширади, миллий иқтисодиёт тизимининг барқарорлиги ва самарадорлигини оширишга таъминлайди.

Хулоса. Банк хизматларини рақамлаштириш бугунги кунда иқтисодиётни трансформация қилишда стратегик йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки, замонавий рақамли технологиялар мажмуасини банк тизимига тизимли, босқичма-босқич ва кенг жорий этиш молиявий хизматлар тезкорлиги, ишончлилиги ва кўламини ошириб, барча соҳаларда молиявий-иқтисодий фаолликни оширишга замин яратади.

Рақамли банк хизматларини оммалаштиришнинг асосий йўналишлари: хизматлар дастурий таъминотидан фойдаланиш бўйича соҳа ва тармоқлар бошқарув тизимидаги инфратузилма ва кадрар салоҳиятини ошириш; хизматлар дастурий таъминотини доирий равишда ва тезкор тарзда такомиллаштириб бориш; рақамли банк хизматларини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва манзилли давлат дастурларини амалга ошириш; соҳа ва тармоқлар кесимида хизматлар дастурий таъминотини яратучи мутахассислар платформасини шакллантириш, дастурий таъминот инфратузилма тизимини ташкилий-иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлаш; аҳоли

айрим қатламлари, айниқса қишлоқ ҳудудларида яшовчи аҳолининг “рақамли саводхонлик” даражасини оширишга йўналтирилган молиявий, иқтисодий-ижтимоий инклюзия дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш ҳамда бу йўналшга давлат-хусусий шериклик ҳамда кооперация тизимида асосланган интеграцион субъектларни жалб этиш ва бошқалар.

Бундай ёндашув мамлакатимиз барча ҳудуд ва минтақаларини нафақат молиявий-иқтисодий балки ижтимоий инклюзия ва барқарор ривожланиши учун муҳим омил бўлади ва Янги Ўзбекистон стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. N.R.Xallieva. Iqtisodiyotni raqamlashtirishda bank xizmatlarini takomillashtirish istiqbollari. “Raqamli iqtisodiyot” ilmiy-elektron jurnali. 11-son.
2. World Bank. (2022). Digital financial services. Retrieved from <https://www.worldbank.org>
3. Toirov, A. X. (2022). Raqamli iqtisodiyotda bank xizmatlarini rivojlantirishning omillari. Iqtisodiyot va moliya, 5(2), 54–60.
4. Karimov, R. J. (2021). Bank tizimida raqamli transformatsiya jarayonlari. Innovatsion rivojlanish jurnali, 4(3), 33–38.
5. Central Bank of Uzbekistan. (2023). Annual report 2023. Retrieved from <https://www.cbu.uz> and
6. Lee, I., & Shin, Y. J. (2018). Fintech: Ecosystem, business models, investment decisions, challenges. Business Horizons, <https://doi.org/10.1016/j.bushor.2017.09.003> 61(1), 35–46.
7. PwC. (2019). Global fintech report. PricewaterhouseCoopers. Retrieved from <https://www.pwc.com>
8. Gomber, P., Kauffman, R. J., Parker, C., & Weber, B. W. (2018). On the fintech revolution: Interpreting the forces of innovation, disruption, and transformation in financial services. Journal of Management Information Systems, 35(1), 220–265.
9. Zeyniddinov, A. (2020). Raqamli to‘lov tizimlari va bank sektorida innovatsion yondashuvlar. Moliyaviy islohotlar jurnali, 2(1), 25–30.
10. UNCTAD. (2021). Digital economy report 2021: Cross-border data flows and development. United Nations Conference on Trade and Development. <https://unctad.org>

ilmiy –amaliy anjuman

11. Урмонов А.А., Акрамов И. Проблемы и перспективы цифровизации банковского сектора экономики Узбекистана "Экономика и социум" №11(90)-2 2021. www.iupr.ru. С.514.
12. Лебедева М.Е., Тростьянский С.С. Цифровая зрелость банковского сектора в различных странах: базовые условия для дальнейшего развития. // Финансовый сектор экономики. М.2021. [https://cyberleninka.ru /article/n/tsifrovaya-zrelost-bankovskogo-sektora-v-razlichnyh-stranah-bazovye-usloviya-dlya-dalneyshego-razvitiya/viewer](https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-zrelost-bankovskogo-sektora-v-razlichnyh-stranah-bazovye-usloviya-dlya-dalneyshego-razvitiya/viewer)
13. Марказий банк ҳисобот маълумотлари 2024 йил